ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

Meros

№ 1/2023

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” асарининг ўрганилиши ҳақида 3
Абдухалимов Б. Формуляры записей о разделе наследства из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 16
Каримов Ш. Хондамирнинг “Дастур ал-вузаро” асарида Ғазнавийлар давлати вазирлари ҳақида 27
Файзуллаев Ф. Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар 36

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Раджабова Д. Тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш (XIX аср охири рус шарқшунослиги ва XXI аср бошларидаги ўзбек манбашунослигидаги қарашлар) 49
Пуговкина О. Правовой статус «бывших людей» в советских конституциях ТАССР – УзССР (1918-1937 гг.) 61
Тошев С. Турк тилидаги тадқиқотларда мустақил Ўзбекистон тарихининг ёритилиши..... 74

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Исматова Н. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг ҳолати ва хусусиятлари 84

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Миркомилов Э. Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари 99

Разаков Ф. Англо-турецкое сотрудничество по противодействию экспансии России в Кокандском ханстве и в Восточном Туркестане (1860–1878гг.) 109

ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ

Таниева Г. XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири 128

Разакова М. Одина Хоразмийнинг тасаввуфдаги баъзи истилоҳларга шарҳи 137

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н. Сведения “Мин шилу” о торгово-посольских связях Китая и государств Центральной Азии в XIV–XV вв. 146

Алимова Л. Трансформация семейных отношений в Южнокорейском обществе в конце XX века 158

Акрамова Ш. Межгосударственное сотрудничество Республики Узбекистан и КНР 168

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 2 июндаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

20.09.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Д. Раджабова

Тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш (XIX аср охири рус шарқшунослиги ва XXI аср бошларидаги ўзбек манбашунослигидаги қарашлар)

Бугунги кунда қадимий қўлёзмаларни ўрганиш ва жиддий таҳлил қилиш барча тарихчи ва шарқшунос олимлар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Тарихий манбаларни қидириб топиш, уларни рўйхатга олиш, туркумлаш, чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш, манбада ўз аксини топган ёки баён этилган воқеалар, келтирилган фактларнинг тўлиқлиги ва холислигини аниқлаш, манбанинг тарих фани тараққиётини ўрганишдаги аҳамиятига баҳо бериш – манбашуносликнинг назарий ва амалий жиҳатларини асослаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибасига назар соладиган бўлсак, француз файласуфи, тарихчи ва маданият назариётчиси Мишел Фуко (1926–1984) “...Тарих илми ўз мақомига эга бўлганидан бошлаб, биз доимо ҳужжатларга мурожаат қиламиз, уларни ўрганамиз ва улар асосида ўзлигимизни таниймиз. Биз учун нафақат айтилганларнинг маъносини тушуниш, балки унинг ҳақиқат даражаси ва тақдим этиш шаклини аниқлаш ҳам муҳимдир; бизнинг манбаларимиз асл ёки сохта бўладими, улар ҳақиқатан ҳам даврни акс эттирадими ёки аксинча, ёлғон гувоҳлик берадими, буларни билиш ниҳоятда муҳимдир”, – деб ҳисоблаган [1: 9]. Ўзбек манбашунос-олимлари ҳам кўп асрлик анъаналарга содиқ қолган ҳолда қадимий тарихий манбаларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш соҳасида муайян ҳаракатларни амалга оширганлар. Жумладан, Т. Саидқулов [23], Б. Аҳмедов (1924–2002) [2], А. Ҳабибуллаев [28], М. Ҳасаний [29], А. Мадраимов [16], Г. Фузаилова [24] ва бошқа

маҳаллий тарихшуносларнинг илмий тадқиқотлари ва ўқув-услубий тавсияларида тарихий манбаларни чуқур тадқиқ этиш ва танқидий таҳлил этишнинг илмий-методик асослари ишлаб чиқилган. Уларнинг фикрича, манбанинг таркиби ва мазмунини илмий таҳлил қилишдан кузатилган мақсад, унинг муҳим ва қимматли томонларини аниқлаш, унда келтирилган далилларнинг ишончлилиги ва туғрилигини бошқаларидан ажрата олиш ҳамда энг муҳими, асарда баён этилган воқеани холис тарихчи нуқтаи назаридан туриб баҳолай олишдан иборатдир.

Аксарият шарқшунос-олимлар тадқиқотларининг асосий қисми муайян ҳодиса ва фактларни тасвирлашдан иборатдир. Натижада, “тарихчи у ёки бу фактни етказаётган жараёнда ўзини қизиқтирган воқеага тўлиқ боғланиб қолганлиги туфайли холис бўла олмайди. Тарихчи асосан иккинчи, учинчи қўллардан олинган фактлар ҳақида маълумотга эга ва ҳар бир киши ўз ҳикоясини ўзига хос, индивидуал тарзда ёритиб берганлиги сабабли, тарихчи ушбу гувоҳларнинг кўрсатмаларига қарам бўлиб қолади ва маълумотни тақдим этган кишининг қадр-қиммати, унинг шахсий позицияси ёки қарашларини ҳисобга олиши керак” [6: 6].

Мазкур назарий тушунчаларни янада яққол англаш мақсадида худди шундай матнлар ва таҳлилларга мурожаат этиш ўринлидир.

Маълумки, соҳибқирон Амир Темурнинг (1336–1405; ҳукмронлик йиллари 1370–1405) давлатчилик сиёсати нафақат Марказий Осиё, балки унга қўшни минтақаларнинг тарихий тақдирига ҳам катта таъсир кўрсатган. Бу жараён шу қадар кенг қамровли эдики, бир неча асрлар давомида тарих фанининг турли соҳаларида Амир Темур ва Темурийлар даври маҳаллий ва хорижий, хусусан, рус, инглиз ва француз мутахассислари томонидан ўрганилган. Бунда Амир Темур ҳақида бир-бирига зид фикрлар мавжудлигига ҳам дуч келиш мумкин, лекин уларнинг асосий қисмида Амир Темур фаолиятига унинг ҳукмронлиги даври нуқтаи назаридан эмас, балки асар муаллифлари яшаган давр асосида баҳо берилган. Аммо тарихчи, айниқса, илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун қайси давр, шароит, вазият, сиёсат, мафкура ҳукм суришидан қатъий назар, тарихни холисона ёритиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, маҳаллий манбалар билан ишлашда тарихий ҳақиқат сари интилиш асосий мезон бўлиб хизмат қилиши зарур. Хусусан, француз олими Л. Ланглениng (1763–1824) Н. Суворов томонидан француз тилидан рус тилига таржима қилинган

“Темур ҳаёти” (“Жизнь Тимура”) асари ҳам олимлар, айниқса, шарқшунос-мутахассисларининг алоҳида қизиқиши, ҳаттоки, ўзгача муносабатини уйғотган. Бунинг натижасида, акс-садо сифатида рус шарқшуноси Н.И. Веселовскийнинг (1848–1918) “Россия Империяси Археология Жамияти Шарқий бўлинмасининг эслатмалари” (“Записки Восточного отделения Российского Археологического общества”) саҳифаларида мулоҳазаси эълон қилинди [9: 343–349]. Ўрта Осиё тарихи билимдони номини олган Б.В. Лунин (1906–2001) таъбири билан айтганда, унинг муаллифи “илмий қатъияти” билан алоҳида ажралиб, ўзининг мулоҳазалари билан Шарқ, хусусан, Марказий Осиё тарихи бўйича нуфузли мутахассис эканлигини яна бир бор исботлаган [13: 127].

Баъзи олимларнинг фикрига кўра, “тарихшунослик асарларига шарҳлар ёзиш мушкул вазифа, чунки баҳо бериш жараёнида баъзида чалкашиб кетиш, холисликни йўқотиш мумкин... Аммо китоблар ҳам ҳар хил бўлади ва тарихий асарнинг жанри маълумотномадан қанчалик узоқ бўлса, яратилган шарҳ шунчалик ҳаққоний бўлади” [19: 282–283].

Н.И. Веселовский томонидан билдирилган танқидий руҳда ёзилган (шарҳ эса айнан шундай бўлиши керак) бўлиб, унда ҳар қандай масалада холислик билан ёндашилган. Муаллифнинг фикрича, “рус китобхонларини Амир Темур шахси билан таништириш ... осон иш эмас ва бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди”, бу ҳолатда ҳатто “Европа ва бизнинг мамлакатимизда *(Россияда–Д.Р)* Марказий Осиё бўйича етарли билимларга эга бўлган профессор Вамберининг ҳаракатлари ҳам муваффақиятсиз якун топган” [9: 344]. Бу борада Л. Ланглениng асари шарқшунос олимларни ҳеч бир тарзда қониқтира олмаслигини Н.И. Веселовский “...зиёлиларимиз орасида Туркистонда маҳаллий тарих ва қадимийликка қизиқиши тобора ортиб бормоқда”, – деган иборалар билан изоҳлаб, Ўрта Осиёни ўрганишда Россия илм-фани катта ютуқларга эришганлигини алоҳида таъкидлаган [9: 345].

Н.И. Веселовский Темур портрети ва унинг қабри тасвирланган фотосуратлар масаласида Л. Ланглedан норози бўлган. У “Темур ҳаёти” асарини таҳлил қилар экан, таржимон Л. Ланглени қўпол хатоларга йўл қўйганликда ва “Темур тузукларининг” тавсифига бағишланган мавжуд ишончли манбаларга мурожаат этмаганликда айблайди. Шунингдек, матн яратувчисига нисбатан “қўпол хатоларга йўл қўймаслик”, “беҳуда гапирмаслик”, ишончли манбаларга

мурожаат қилиш зарурлиги каби жиддий характерга эга бўлган бир қатор фикрлар билдирган [9: 344]. Француз олими Л. Лангленинг ўзи ҳам Амир Темур даврига оид ўрта асрлар манбалари мазмуни ва ишончлилигидан ҳайратга тушган. “Ҳарбий юришларини биз талончилик ва қароқчилик деб баҳолаган амир сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзиб, ўз авлодлари учун жуда доно тизим қолдиради, деб тасаввур ҳам қилмаган эдик. Биздаги таассуб ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва тўғри баҳолашимизга ҳалақит бериб келди”, деб таажжубланган [12: III].

Таъкидлаш жоизки, Н.И. Веселовский манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилишни назарда тутган ҳолда, ўзининг ҳамкасби ва маслакдоши, XIX аср охири – XX аср бошларида яшаган таниқли рус олими, талабалар ва издошларини манбаларни аниқ ўрганиш ва объектив таҳлил қилишга, тарихий жараён қонуниятларини аниқлаштиришга йўналтирган С.Ф. Платонов (1860–1933) мактаби тамойилларига содиқ қолди. Хусусан, олим манбалар билан ишлаш масаласида қуйидаги бир неча тамойилларни зарур деб ҳисоблаган: “Ҳар қандай даврнинг ... ёки халқнинг яхлит тарихининг илмий, аниқ ва бадиий жиҳатдан ажралмас кўринишини ҳосил қилиш учун: 1) тарихий материалларни тўплаш, 2) уларнинг ишончлилигини текшириш, 3) аниқ тарихий фактларни қайта тиклаш, 4) улар орасидаги амалий алоқани кўрсатиш ва 5) уларни умумий илмий шарҳга ёки бадиий қиёфага етказиш зарур” [22: 51]. Ишонч билан айтиш мумкинки, тарих фанини яхши билган кишининг мазкур кўрсатмалари, нафақат замондош-тарихчилар томонидан, балки замонавий тадқиқотчилар учун ҳам ўз нуқтаи назарини шакллантиришга хизмат қилади.

С.Ф. Платонов кўрсатмалари қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини Л. Лангленинг китобида келтирилган Амир Темур ҳаётидаги бир тарихий маълумот таҳлили асосида кўриш мумкин. Маълумки, Амир Темур муғул хони Тўхтамишхонни (1342–1408; ҳукмронлик йиллари 1380–1397) жангда енгиб, ўз қўшинларини Волга бўйида қолдириб, ўзи Самарқандга қайтган. Эрон унга қарши бош кўтаргани сабабли, у тез фурсатда Мозандаронни қўлга киритиб, асосий эътиборини Исфахонга қаратган, яъни Шероз ҳукмдори Шоҳ Мансурни (ваф. 1393; ҳукмронлик йиллари 1387–1393) енгишга муваффақ бўлган [28: 151]. Ушбу тарихий фактнинг давоми Л. Лангленинг талқинида қуйидагича келтирилган: “Темурнинг иккинчи ўғли, 17 ёшли Мирзо Шоҳрух исёнчига қарши

ҳужум қилди, унинг бошини танасидан жудо қилиб отасининг оёқлари остига қуйидаги сўзлар билан ташлади: “Ушбу мағрур Мансурнинг боши сингари барча душманларингизни оёқ ости қилинг!” [14]. Асл манбага эътибор қаратсак (Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари француз олими учун асосий манба бўлиб хизмат қилган – Н.И. Веселовский) унда мазкур воқеа қуйидагича талқин қилинган: “…амирзода Шоҳрух ўн етти ёшида эрдиким, ул уруш воқиъ бўлди ва шаҳзода кичик ёши била Шоҳ Мансур билан урушуб, ани суруб, Шоҳ Мансурни тушурдилар ва бошини кесиб, шаҳзода Шоҳрух ҳазрат соҳибқиронға келтуруб юкунуб, бошни ташлади ва фатҳ бўлғон учун муборакбод деди. Ва муборак тилини дуо билан очиб деди, қитъа:

Душманингнинг бошидур, эй сарфароз,
Ким адувга бўлмасун дунёда бош.
Кимки, тортса қуллуғунгдин бошини,
Доимо ёғсун ўшул бош узра тош” [11: 153].

Л. Лангле келтирган қисқа маълумотда воқеанинг кечиши деярли бир хил мазмунга эга бўлса-да, Амир Темур жасорати, ҳарбий қўмондонларининг кўмаги ва бошқа жанг тафсилотлари деярли кўрсатилмаган, ваҳолангки, Шарофиддин Али Яздий (1419–1454) бу ҳақда анча батафсил маълумот келтирган. Бежиз эмаски, ушбу асар “Амир Темур тарихига бағишланган асарларнинг энг ҳақиқатга яқини ва энг мукаммали ҳисобланади” [11: 4]. Шунингдек, кичик-кичик тафсилотларда ҳам айрим номувофиқликни кўриш мумкин. Хусусан, муаллиф Муҳаммад Султоннинг мардлиги, Пир Муҳаммад ва Шоҳрух Мирзонинг бошқа ҳарбий қўмондонлар билан бир қаторда жасорат кўрсатгани, Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати ва билимдонлигини намоён қиладиган таассуротлар келтирган. Охир оқибатда бу жангда Амир Темурнинг қўли баланд келиб, “Шоҳ Мансурни ўша маъракада қатл этдилар” [17: 178], деган сўзлар билан унинг тақдирининг аянчли тугаганлиги ҳақида маълумот берган.

Низомиддин Шомийнинг (ваф. тахм. 1412) “ўзида жамланган тарихий маълумотларнинг ишончлилиги билан XV–XVI асрларданоқ бошқа асарлар учун таянч манбалардан бири бўлиб хизмат қилган” “Зафарнома” асарида ҳам ушбу воқеа баёни кунлар бўйича эслаш, географик жойлар номланиши, ҳудудлар ҳажмлари, босиб ўтган йўллар

йўналишларининг аниқ тафсилотлари келтирилганига гувоҳ бўламиз. Тарихчи-темуршунослар ҳам Шоҳ Мансур ўлими ҳақида манбаларда келтирилган маълумотларнинг турли эканлигини тан олиб, Шарофиддин Али Яздий ва Ибн Арабшоҳнинг асарларида бу ҳақда берган маълумотлари ҳақида фикр билдирганлар [17: 431]. Ибн Арабшоҳнинг (1389–1450) айтишича, яраланган ва жон бераётган Шоҳ Мансурни бир чиғатойлик одам ҳалок бўлган жангчилар орасида топган ва унинг раҳм-шафқат қилиши ва қутқаришга ёрдам сўраб ялинишларига қарамай, бошини танасидан жудо қилиб, Амир Темурга олиб келган [10: 111–112]. Маҳаллий манбалар тарихий тадқиқотларнинг асосий пойдевори ҳисобланиб, уларни кенг кўламда синчиклаб ўрганмасдан туриб, у ёки бу тарихий воқеа, жараёнга нисбатан тўлиқ ва объектив хулоса чиқариб бўлмайди. Бинобарин, Н.И. Веселовский таъбири билан айтганда, Л. Лангле “ўзининг ишини шунчаки бажарди-қўйди: у Пети де-ла-Круа таржимасидаги Шарофиддин Али Яздий “Зафарнома”сини ниҳоятда қисқартирди ва ёнида мавжуд бўлган манбалардан фойдаланиб, қўлидан нима келган бўлса, шуни тақдим эта олди” [9: 344] (*таржима – Д.Р.*). Тахмин қилиш мумкинки, Л. Лангле ҳақиқатдан ҳам Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бошқа манбаларни ўрганмаган. Ваҳолангки, шундай манбалардан Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” [17] асари ёки хотиралар, сафар таассуротлари сифатида расмий солномалардан услуб ва мазмун жиҳатидан фарқ қиладиган Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи тарих-и Таймур” (“Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари”) ва Руи Гонзалес де Клавихонинг (ваф. 1412) “Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундалиги” асарларини ҳам таҳлил учун жалб қилиш мумкин эди [10, 7].

Н.И. Веселовский қадимий қўлёзмалар таржималарининг сифати ҳақида гапириб, “Темур Тузуклари”нинг француз тилига Л. Лангле ва инглиз тилига Стюарт томонидан қилинган таржимаси қониқарсиз эканлиги ҳақидаги ўз мулоҳазаларини келтиради, форс тилидаги таржималарни, аксинча, жуда яхши деб баҳолайди. Шунингдек, у Шарофиддин Али Яздий “Зафарнома”сининг турк хонлари ва Чингизхон насабномаларига бағишланган “Муқаддима” (“Кириш”) қисмини Европа тилларидан бирига таржима қилиш зарурлигига эътибор қаратган. Дарҳақиқат, бу асарнинг айрим кичик

парчаларигина тарихчи-шарқшунос В.Г. Тизенгаузен томонидан рус тилига таржимаси нашр этилган [25].

Н.И. Веселовский “Бобурнома” (“Султон Бобур эсдаликлари”) асарини юқори баҳолаб, унинг француз (1811) ва инглиз (1826) таржималарининг мавжудлигини тан олган ҳолда “сифатли адабий (рус) тилида яратилган таржиманинг бўлмагани... аянчли ҳолат”, – деб ҳисоблаб, “бу муаммонинг ечимига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиш кераклиги, ўз кучи ва қобилиятига ишонмайдиганлар бу ишга қўл урмаслиги ҳамда бошқаларга ҳалақит бермаслиги”ни сўрайди [9: 344].

Н.И. Веселовский ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратди ва “Бобурнома”ни бир нечта яхши маҳаллий қўлёзмалар билан таққослаш кераклиги – хусусан, рус шарқшуноси Н.И. Илминский (1822–1891) томонидан нашр қилинган матнни Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Г.А. Арандаренкога (1866–1923) тегишли бўлган ва Туркистонда ягона деб ҳисобланган қўлёзмани солиштириш ғоясининг тарафдори бўлиб, тадқиқотчилар учун бу борада муҳим бўлган бир неча вазифаларни белгилаб қўйди. Ушбу йўналиш билан боғлиқ ҳолда, олим “монгол” ва “могол” атамаларининг келиб чиқиши масаласига ойдинлик киритиш мақсадида ўзининг этнографик ва лингвистик билимларини намойиш қилди [9: 344].

Н.И. Веселовский “Тарихи Сайид Роқими” асарига нисбатан Марказий Осиё ҳақидаги тарихий маълумотларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳим манба деб баҳо бериб, уни “Марказий Осиёнинг янги тарихи билан шуғулланиб келаётган ҳар бир киши учун зарурий қўлланма бўлиб хизмат қилиши керак” [9: 345], деб ҳисоблайди. Библиографик материаллар ва қўлёзмаларнинг кўплиги, воқеалар тавсифидаги тафовутларнинг мавжудлиги матнларни таққослаш ва уларни таҳлил қилиш зарурлигини келтириб чиқаради.

Н.И. Веселовский “Абдулланома” асарининг ҳам манбавий аҳамиятини юқори баҳолайди. Шуни эътироф этиш керакки, XIX аср охири – XX аср бошлари шарқшунос-олимлари, кейинги давр тарихчи-тадқиқотчилари ва замонавий олимлар: “Ушбу давр тарихи учун манбалар деярли фақат қўлёзмаларда мавжуд ва, умуман олганда, мамлакат тарихи сўнгги асрларда жуда кам ўрганилган”лигини таъкидлаб ўтган [9: 345]. Ушбу асарнинг аҳамияти ҳақида И.И. Умняков (1890–1976) “XVI аср давомида Туркистонда ҳукмронлик қилган Шайбонийлар сулоласининг

тарихи фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жиддий ўрганила бошланди. 1821 йилгача ушбу даврдаги Ўрта Осиё тарихига бағишланган бирорта тадқиқот маълум эмас. Европаликлар учун Бухоро тарихи бўйича ягона манба сифатида 1821 йилда Бухородан келтирилган Муҳаммад Юсуф Муншийнинг Шайбонийхон томонидан босиб олинган вақтдан бошлаб, XVIII асрнинг бошларига қадар Бухоро тарихи баён этилган "Тазкираи Муқимхоний" деб номланган форс тилидаги қўлёзмаси хизмат қилган. 1854 йилда В.В. Веляминов-Зернов Ҳофиз Танишнинг "Абдулланома" асарининг тўлиқ қўлёзма матнини қўлга киритиб, уни дастлаб форс тилида, сўнгра рус тилида нашр этишни режалаштирди. Ушбу манбани олимлар узоқ вақт излади ва у илмий жамоатчилик учун жуда қадрли эди. Тарихий адабиётда эслатиб ўтилган "Абдулланома" қўлёзмаларининг нусхалари рўйхати ҳали ҳам тўлдирилиб келмоқда", деб маълумот берган [26: 20–322].

XIX аср охири–XX аср бошларида рус тарихчиси Н.М. Карамзиннинг (1766–1826) тарихий манбаларга мустақил тадқиқот объекти сифатида қараш анъанасининг тарафдорлари бўлган русларнинг шарқ тиллари бўйича мутахассислари Н.В. Хаников (1819–1878), О.И. Сенковский (1800–1858), Л.А. Зимин (1886–1920), П.И. Лерх (1828–1884) ва бошқалар ушбу манбани ўрганиш, таржима қилиш, нашр этиш билан шуғулланганлар. Бу эса ўз навбатида уларнинг тарихий маълумотларни ўрганиш ва манбаларни нашр этишда танқидий ёндашув тамойилларини ишлаб чиқишга бўлган интилишида намоён бўлди. В.В. Веляминов-Зерновнинг манбаларни танқидий таҳлил қилиш анъаналарига риоя қилган ҳолда тадқиқотчи-шарқшунос Л.А. Зимин "Абдулланома" асарини нашр этишга иккинчи бор уриниб кўрди, чунки танқидий ёндашувни қўллаш учун у иложи борича ушбу асарнинг барча қўлёзмалари билан танишиши, уларни бошқа тарихий асарлар билан таққослаши ва ўзаро боғлиқлигини аниқлаши керак эди [26: 316–317].

Шундай қилиб, Л. Лангленинг "Темур ҳаёти" асари Ўрта Осиё тарихини ўрганишга янада кўпроқ эътиборни жалб қилиш учун яна битта туртки бўлиб хизмат қилди ва рус шарқшунослиги олдида бир қатор долзарб вазифаларини белгилади. Н.И. Веселовский айтганидек, "бу йўлни босиб ўтганлар – авлодлар томонидан алоҳида миннатдорчиликка лойиқдирлар" [9: 346].

Замонавий маҳаллий тарихчи-манбашунослар А. Мадраимов ва Г. Фузаиловалар ҳам манбашуносликнинг муҳим талабларидан бири –

бу “ёзма манбани фақат унинг бир ўзида келтирилган далил ва маълумотларга қараб баҳолаб бўлмайди. Баъзи ҳолларда келтирилган далил сохта, баён этилган воқеа эса сохталаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бирор асар ҳақида қатъий бир фикр айтишдан аввал уни ўзига ўхшаш бошқа асар билан солиштириб кўриш, келтирилган далилларни бир-бири билан таққослаш, текшириш зарур”, деб ҳисоблайдилар [15: 19].

Дарҳақиқат, бугунги кунда тарихий ва маданий ёдгорликларни илмий асосда тадқиқ этишга давлат миқёсида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2998-сонли қарорида: “Ўрта асрларда Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган олимлар ва мутафаккирларнинг илмий асарлари бўйича тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш..., қадимий қўлёзмалар, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш, илмий асосда тадқиқ этиш..., уларни асл ҳолида илмий изоҳлар, таржималар билан нашр этиш, илмий муомалага киритиш” олимларнинг устувор вазифаси сифатида белгиланган [30].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Археология знания / Перев. С. Митина и Д. Стасова. Киев, 1996.
2. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 2001.
3. Бабер-намэ, или Записки султана Бабера / Изданы в подлинном тексте Н. Ильминским. Казань, 1857.
4. Бартольд В.В. Н.И. Веселовский, как исследователь Востока и историк русской науки. ЗВОРАО. Т. XXV, 1918. С. 337–355.
5. Благова Г. К истории изучения Бабур-наме в России // Тюркологический сборник (К 60-летию А.Н. Кононова). Москва, 1966.
6. Веселовский Н.И. Пособие к лекциям по истории Востока. Санкт-Петербург, 1901.
7. Гонсалес Руи де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406) / Масъул муҳаррир: Муҳаммад Али. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров. Таржимон: О. Тоғаев. Тошкент, 2010.

8. Григорьев В.В. Рецензия на книгу В.В. Вельяминова-Зернова “Исследование о Касимовских царях и царевичах” // День. Санкт-Петербург, 1863. N 29.
9. Записки Восточного отделения императорского русского археологического общества. T.VI. Санкт-Петербург, 1892. С. 343–346.
10. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) / Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У. Уватов. I-китоб. Тошкент, 1992.
11. Йаздий Шарафуддин Али. Зафарнома // Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков. Масъул муҳаррир: Б. Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И. Шоғуломов ва бошқалар// Тошкент: Шарқ, 1997 https://n.ziyouz.com/books/tarixiy/Sharafiddin%20Ali%20Yazdiy.%20Zafarnoma.pdf
12. Лангле Л. Жизнь Тимура. Ташкент, 1890.
13. Лунин Б.В. Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения. Историографический очерк. Ташкент, 1979.
14. Лянглэ Л. Жизнь Тимура. Книга побед. Чудеса судьбы истории Тимура // https://military.wikireading.ru/34190
15. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. Ташкент, 2007.
16. Манбашуносликдан маърузалар мажмуаси / Тузувчи А.А. Мадраимов. Ташкент, 2001.
17. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А.Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатлар тузувчи Ҳ. Кароматов. Ташкент, 1996.
18. Пекарский П. История Императорской Академии наук. Т.I. Санкт-Петербург, 1870.
19. Пучков А.А. Ориентальные ориентации крымской историографии (к новой книге А.А. Непомнящего) // Праці Центру пам’яткознавства: Зб. наук. пр. 2009. Вып.16.
20. Реферат доклада Н.И. Веселовского «О надгробном памятнике Тимура (Тамерлана) в г. Самарканде» / Известия о занятиях VII археологического съезда в Ярославле 6) 20 августа 1887 года, Ярославль, 1887, №10.

21. Российский государственный исторический Архив, ф.-565, оп-1, д.-3573. «О передаче в ведение Археологической комиссии памятников древнего мусульманского зодчества в Туркестане эпохи Тамерлана».
22. Русина Ю.А. Методология источниковедения: [учеб. пособие]. Екатеринбург, 2015.
23. Саидқулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихнавислигидан лавҳалар. Тошкент, 1993.
24. Тарихий манбашунослик / Тузувчилар: А.А. Мадраимов, Г.С. Фузаилова. Тошкент, 2006.
25. Тизенгаузен В. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Т.II. Извлечения из персидских сочинений, собранные В.Г. Тизенгаузеном и обработанные А.А. Ромаскевичем и С.JI. Волиным. Москва-Ленинград, 1941.
26. Умняков И. Абдулла-намэ Хафизи-Таныша и его исследователи. // Записки Коллегии Востоковедов при Азиатском музее АН СССР. Т.V. Ленинград, 1930.
27. Фармаковский Б. Н.И. Веселовский – археолог // ЗВОРАО. Т.XXV., Санкт-Петербург, 1916.
28. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. Тошкент, 2000.
29. Ҳасаний М. Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва фиҳристлаш. Тошкент, 2004.
30. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 24-maydagi “Qadimiy yozma manbalarni saqlash, tadqiq va targ‘ib qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlar to‘g'risida”gi PQ-2995-sonli qarori // https://lex.uz/docs/3211987?ONDATE=25.05.2017.

Д. Раджабова

Тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш (XIX аср охири рус шарқшунослиги ва XXI аср бошларидаги ўзбек манбашунослигидаги қарашлар)

Мақолада рус шарқшуноси, Марказий Осиё тарихи ва тарихшунослиги бўйича мутахассис Н.И. Веселовскийнинг француз олими Л. Лангленинг “Темур ҳаёти” асарини танқидий таҳлил қилиб,

XIV аср Ўрта Осиё, хусусан, Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганишда маҳаллий манбаларнинг ўрни ҳақидаги фикрлари келтирилган. Шунингдек, XIX аср охири рус шарқшунослари ва XXI аср бошларидаги ўзбек тарихчиларининг ўрта асрлар тарихий манбаларини танқидий таҳлил қилиш масаласига қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

***Калит сўзлар**: шарқшунослик, Ўрта Осиё, тарихий манбалар, қўлёзмалар, Амир Темур ва Темурийлар, танқидий таҳлил, қиёсий метод.*

Д. Раджабова

Критический анализ исторических источников (взгляды российских востоковедов конца XIX века и узбекских источниковедов начала XXI века)

В статье приводятся научные рассуждения российского востоковеда, знатока среднеазиатской истории и историографии Н.И. Веселовского, который критически анализирует работу французского ученого Л. Лянгле «Жизнь Тимура» и высказывает свое мнение о роли местных источников в изучении истории Средней Азии XIV века, в частности, периода Амира Тимура и тимуридов. Также осуществлен сопоставительный анализ взглядов некоторых российских ученых-востоковедов конца XIX века и узбекских историков-историографов начала XXI века по вопросу критического анализа исторических источников средних веков.

***Ключевые слова:** востоковедение, Средняя Азия, исторические источники, рукописи, Амир Тимур и Тимуриды, критический анализ, сопоставительный метод.*

D. Radjabova

Critical analysis of historical sources (the views of Russian orientalists at the end of the 19th century and Uzbek sources researchers at the beginning of the 21st century)

The article presents arguments of N.I. Veselovsky, the Russian orientalist, an expert on Central Asian history and historiography, who

critically analyzes “The Life of Timur”, the work written by French scholar L. Lenglet. He expresses his opinion on the importance of the local sources of the 14th century Central Asian history, in particular, the period of Timur and Timurids. An attempt to compare views of some Russian orientalists of the late 19th century with the views of Uzbek historians of the early 21st century has been made.

Key words: *Oriental studies, Central Asia, historical sources, manuscripts, Amir Timur and the Timurids, critical analysis, comparative method.*

О. Пуговкина

Правовой статус «бывших людей» в советских конституциях ТАССР – УзССР (1918-1937 гг.)

Репрессивная политика советской власти в отношении «бывших» в советском Туркестане–Узбекистане характеризовалась вариативностью наказаний, подъемом и спадом реакции в отношении бывших привилегированных слоев туркестанского общества и зачастую зависела от разнообразных факторов. В частности, она была связана с антисоветскими выступлениями, активностью белогвардейского движения и вооруженного движения против советской власти в Средней Азии, покушениями на жизнь или убийствами советских лидеров, саботажем и др. действиями, которые наносили вред репутации советской власти, и тогда, в качестве виновных, всегда, на первый план выдвигалась реакции против «бывших людей».

В такие моменты, в биографии гражданина советского Туркестана–Узбекистана обязательно обнаруживалось «темное прошлое», как «бывший офицер», «бывший прокурор», «бывший имперский чиновник», «из духовенства», «бывший белогвардеец» и др. «Бывшие люди» в советском Туркестане–Узбекистане, как и многие в СССР, испытали на себе всю мощь репрессивной политики советского государства, как моральное унижение, лишение собственности, административная высылка, лишение избирательного права, чистки, аресты, тюремное наказание, расстрелы.

Бизнинг авторлар

1. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, ЎзРФА вице-президенти
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусратович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.
6. **Каримов Шерзод Шавкат ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим мудири.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – тарих фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – тарих фанлар номзоди, Самарқанд Давлат университети тарих факултети тарихшунослик ва манбашунослик кафедрасининг доценти
10. **Разаков Фаррух Абдумўминович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

11. **Разакова Мавжуда Саттаровна –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, картотека бўлими мудири.
12. **Таниева Гулдона Мамановна** – тарих фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти.
13. **Тошев Солижон Аҳмаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшқабулович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

Наши авторы

1. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан, вице-президент АН РУз.
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусротович** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – доктор философсик наук (PhD) по истории, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримов Шерзод Шавкат угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института Истории Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – кандидат исторических наук, доцент кафедры историографии и источниковедения исторического факультета Самаркандского государственного университета.

10. **Разаков Фаррух Абдумумнович –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Разакова Мавжуда Саттаровна** – кандидат исторических наук, заведущий отделом картотеки Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистана.
12. **Таниева Гулдана Мамановна** – доктор исторических наук, доцент Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами.
13. **Тошев Соледжон Ахмаджонович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшкабулович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bakhrom A. Abdukhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, Director of the Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, vice-present UzAS.
2. **Dilora N. Radjabova** – Candidate of Historical Sciences, Associate Professor of the Department of the Historiography and Source Studies, history faculty Samarkand state university
3. **Farrux A. Razakov** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Farrux E. Fayzullayev**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Faxriddin N. Ibragimov** – Senior scientific researcher of Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
6. **Guldona M. Taniyeva** – DSc, dotsent of the Tashkent Pedagogical University name after Nizami.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher at the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mavjuda S. Razakova** – Candidate of Historical Sciences, Head the filing department, institute of oriental Abu Rayhan al-Biruni Academician of the Academy of Sciences of the Respublik of Usbekistan.
9. **Nargiza A. Ismatova**– Doctor of Philosophy in historical sciences (PhD), Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
10. **Natalya E. Karimova** – Doctor of Science (in History), Professor, head of the department of Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
11. **Oksana G. Pugovkina** – Senior Research Fellow, Institute of History Academy of Sciences of Uzbekistan.

12. **Sherzod Sh. Karimov**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Shoira M**. **Akramova** – Junior Researcher of Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
14. **Solejon A. Toshev** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan.